

Якубов Зафарбек Мадримбаевич,

Ургенчский государственный университет

Преподаватель кафедры «Музыкальное образование».

ИНСТРУМЕНТ UD ПРОШЕЛ НА БЛИЖНЕМ ВОСТОКЕ

Аннотация. В этой статье представлена информация об уд, одном из совершенных инструментов средневековья, и его характеристиках. Также обсуждаются инструменты, связанные с удгой.

Ключевые слова. Уд, Барбат, Лютня, Шахнаме, История Борбада, Борбад.

Yakubov Zafarbek Madrimbaevich,

Urgench State University

Teacher of the department "Music Education"

UD INSTRUMENT PUBLIC IN THE MIDDLE EAST

Annotation. This article provides information about ud, one of the perfect instruments of the Middle Ages, and its characteristics. There is also a discussion of Udga-related instruments.

Keywords. Ud, Barbat, Lyutnya, The Shahnameh, The Story of Borbad, Borbad.

Якубов Зафарбек Мадримбаевич,

Урганч Давлат университети

“Муסיқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

ЎРТА АСРЛАР ШАРҚИДА ОММАБОП БЎЛГАН УД ЧОЛҒУСИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўрта асрларнинг мукамал чолғуларидан бири уд ҳақида, унинг характерли жиҳатлари борасида маълумотлар келтирилади.*

Бундан ташқари удга оиладош бўлган чолғулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар. *Уд, Барбат, Лютня, “Шоҳнома”, Борбад қиссаси, Борбад.*

Кириш. Маълумки Ўрта Осиё муסיқа маданияти тарихида чолғу асбобларининг ўрни бўлак. Тарих саҳифаларида гоҳ ёзма, гоҳ қадимий топилма кўринишида учрайдиган турли-туман чолғулар муסיқа маданиятимизга ранг-баранглик бағишлаб турибди. Шулардан араб, турк, форс, Кавказ (озарбайжон,

арман) ва Марказий Осиё (ўзбек, тожик) халқларида кенг тарқалган қадимий чолғу асбоби *уд* ўзининг бетакроп садоси, кўриниши билан ажралиб туради.

Адабиётлар шарҳи. Ўрта асрнинг етук алломларидан Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавий, аш-Шерозий ва бошқаларнинг рисолаларида *уд* етакчи соз сифатида кўрсатиб ўтилади. Хассос шоир Низомий Ганжавий *уд* созини таърифлар экан, унинг овозини сувнинг ёқимли шилдирашига ўхшатади ва уни “Суғд куши” деб атайти. Бу таъриф эса *уд*нинг келиб чиқиши суғддан, яъни Ўрта Осиёдан эканлигини билдиради. *Уд*нинг бу даврдаги муҳим аҳамиятини Форобий ўзининг илмий-ижодий изланишларида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилган. Форобий *уд* чолғу асбобининг пардаларини асос қилиб олиб нота йўли (табалатура)ни яратиш ишларини амалга оширади. Натижада шарқда илк нота йўли ушбу чолғу сози билан боғлиқ ҳолда яратилади.

Таҳлил ва натижалар. Биламизки, *уд* торли-мезробли чолғу ҳисобланиб, Марказий Осиё (ўзбек, тожик) халқларида ҳам кенг қўлланилади. *Уд* юнонларнинг лираси каби Шарқ халқларида машҳур бўлган чолғу асбоби саналади. Қадимий мусиқа назариялари, мусиқа ҳақидаги асарларда тор ва парда тузилиши *уд* чолғу асбоби асосида тушунтирилган. *Уд*нинг милодий I асрда ҳам мавжудлиги аниқланган.

Айритом харобасидан *уд*симон чолғуни ушлаб турган созанда аёл тасвирланган фриз топилган. *Уд*нинг дастлаб 4 тори бўлганлиги, Зирёб исмли (9-аср) созанда (айрим манбаларда Форобий) томонидан 5 тор қўшилганлиги маълум [1]. Мусиқа созлари ва уларда куй ижро этаётган созандалар тасвирлари ишланган деворий суратлар, турли нақшлар, ҳайкалчалар ҳамда бошқа безаклар, авваллари ҳам кўплаб топилган бўлиб, улар бир-биридан жиддий фарқ қилмайди. Масалан, “Болаликтепа”дан топилган мусиқа сози жуда оддий ишланган бўлиб, унга фақат 1 та тор тортилган эди. Самарқанддаги Афросиёб топилмаларидан эса кўп сонли мусиқачилар тасвирини, жумладан *уд* сози тасвирини ҳам кўриш мумкин.

Шарқ табобатининг отаси ибн Сино учун *уд* жуда қадрли мусиқа сози бўлган ва буни рассомлар, шоирлар ўз асарларида эътироф этишган. Юртимиздаги *уд* чолғу сози араблардан олдин ҳам маълум ва машҳур эди. Араблар истилоси даврида эса дунёнинг жуда кўп мамлакатларида машҳур бўлди. У араблар орқали Испанияга (чунки Испанияни ҳам араблар босиб олган), Испания орқали Европа мамлакатларига ёйилди. Кейинчалик, Европаликлар унга ўзгаришлар киритиб *лютня* деб атай бошладилар [2].

XVI-XVII асрларда яшаган мусиқийшунос олим Дарвишали Чангий ўзининг мусиқа рисоласида: “*уд* чолғу асбобларининг подшоси” деб таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Чунки, *уд*нинг “мулойим, ёқимли” товуши, овоз ҳажмининг кенглиги уни ўша даврдаги бошқа чолғу асбоблардан ажратиб турар эди. Дарвишалининг ёзишича, *уд*да 12 жуфт созланувчи ипак тор бўлган.

XX асрнинг биринчи ярмига келиб Ўрта Осиёнинг қадимий масканларини тадқиқ қилганлардан Рюрик Леонидович Садоков ўзининг “Музыкальная культура древнего Хорезма” [3], “Тысяча осколков золотого саза” [4] китобларида Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятига оид чолғу созлари тарихи, кўриниши ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Ушбу китобларда қадимий қалъалар харобаларидан топилган мусиқий чолғуларнинг суратлари берилади, қолдиқлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилади.

Уд чолғуси илгари араб-форс тилидаги атамаларга монанд созланар эди. Масалан, торлар квартага созланиб форсча ва арабча — *ҳодд*, *зир*, *масна*, *маслас*, *бам* деб номланган (зирубам). *Уд* пардалари эса *мутлақ* (очиқ тор), *зоид* (очиқ торга нисбатан орттирилган), *мужаннаб* (кўшни парда), *саббоб* (кўрсаткич бармоқ билан босиладиган), *вустаи фурс* (ўрта бармоқ билан босиладиган форс пардаси), *вустаи залзал* (Залзалга нисбат берилган). Лад парда *бинсир* (тўртинчи бармоқ билан босиладиган парда), *хинсир* (жимжилоқ билан босиладиган парда) деб юритилган. Рисолаларда пардалар абжад тартибида арабча ҳарфлар билан белгиланган.

Ҳозирда қўлланиладиган уд пардасиз ва 11 торли. Улардан 5 таси жуфт торлардан, пастки тори битта бўлади.

Фирдавсийнинг Шохнома асарида келтирилган “Борбад қиссаси” учун чизилган миниатюралардан Уд чолғусига ўхшаш созлар ҳақида кўпроқ тасаввур ҳосил қилиб олиш мумкин. Сабаби, суратда Борбад Шох Ҳусрав Парвез саройида қўлида ўрдак сийна чолғу ушлаган ҳолда намоён бўлади [5].



“Шохнома” асарида атаб чизилган миниатюра

Маълумотларга кўра бу чолғуга *барбат* деб ном беришган. Агар икки чолғуни ёнма-ён қўйсак *уд* ва *барбат* оиладош чолғу эканлиги маълум бўлади. Бундан ташқари Европа халқларида қадимдан маълум бўлган *лютня* деб номланувчи чолғу сози ҳам *уд*га тузилиш жиҳатидан ўхшаб кетади. Қуйида ана шу чолғуларни суратлар орқали таққослаб кўришимиз мумкин.



Барбат



Уд



Лютня

Хулоса. Шу каби далиллардан сўнг ҳар бир чолғу асбоби қачонлардир янги чолғуни пайдо бўлишига замин яратгани англашилади. Масалан, Европада *клависин*, *клавиаккорд* кабилар *фортепиано* ҳамда *роялга* йўл очиб берган бўлса, Шарқ халқларида эса *дўмбира* асосида *танбур*, *авлос* (шартли равишда *қўшфлейта*) асосида *қўшбуломон* сингарилар амалиётга киритилган. Янги навдаги чолғуларнинг пайдо бўлишига ҳарбий юришларни ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бу жараён таъсирида кўп халқларнинг мусиқий чолғулари ижро ва лад жиҳатидан бўлмасада, кўриниш жиҳатидан шакли ўхшашлиги намоён бўлади.

Кейинги йилларда уднинг мунгли, ёпиқ овозидан санъаткорлар камдан-кам фойдаланишмоқда. Ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш юзасидан ўзбек-концерт ташкилотининг саъй-ҳаракати ва талаби билан аста-секин хонанда ва созандалар жонли ижрога ўтиши ҳам ушбу чолғуга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартириши мумкин. Зеро, жонли ижро чолғучиларни ҳам жонли ижро қилишига, ўз устида ишлашига туртки бўлади. Бу ўз навбатида ўзбек ансамбл жамоаси учун ниҳоятда зарур бўлган уд каби қадимий чолғуларимизни яна оммалаштиришига замин хозирласа не ажаб.

Шулардан келиб чиқиб биз, кейинги тадқиқотларимизда ушбу чолғу асбобининг ижрочилари, уларнинг ижро услублари ҳақида изланишлар олиб боришни мақсад қилдик.

References:

1. Орипов З. “Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XI асрлар)”. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2008.
2. Ражабов И. “Мақом асослари”. Ўқув қўлланма. Тошкент, 1992.
3. Садоков Р.Л. “Музыкальная культура древнего Хорезма”. Москва., 1970.
4. Садоков Р.Л. “Тысяча осколков золотого саза”. Москва., 1971.
5. Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома”. Учинчи китоб. Тошкент, 1977.